

Mahalla

2025 йил, 4-сон | ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

KO'ZGUSI



ВАТАНПАРВАРЛИК



Қалқонингман, Ватан!

Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар билан учрашар экан, уларни ҳар доим қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдиради. Хусусан, давлатимиз раҳбари раислигида 2023 йил 11 апрель куни ўтказилган ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш ҳамда улар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирларига бағишланган видеоселектор йиғилишида “Қалқон” жамоатчилик гуруҳларини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди. Йиғилишда мазкур жамоатчилик гуруҳларининг мақсад ва вазифалари аниқ-равшан белгилаб берилганди.

Анвармирзо ҚУДРАТОВ,
Республика “Қалқон” гуруҳлари раҳбари.

“Қалқон” — ватанпарварлик ва интизом мактабидир

Айтиш мумкинки, ўтган вақт мобайнида олий таълим даргоҳларида таҳсил олаётган талабалардан таркиб топган “Қалқон” жамоатчилиги гуруҳлари мамлакат ёшларини муштарак мақсадлар йўлида бирлаштира олди.

Жамоатчилик гуруҳининг асосий мақсади — талаба-ёшларнинг олий таълим муассасасига қарашли барча ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, ижтимоий тармоқларда тарқалаётган ахборот хуружларига қарши курашиш, ёшларни турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, аҳолининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш орқали давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишдан иборат.



Қаландар АБДУРАХМОНОВ, Г.В.Плекханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент филиали ректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги:

— Олий ўқув юртларида “Қалқон” жамоатчилиги гуруҳларининг яратилиши нафақат талабаларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантиришда, балки масъулиятли, ватанпарвар авлодни тарбиялашда ҳам муҳим қадам бўлди. Бугунги кунда улкан имкониятлар яратилаётган, жадал ривожланаётган Ўзбекистонда “Қалқон” каби бирлашмалар ташаббускор ёшлар ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўла олишини яққол намоён этмоқда.

“Қалқон” — бу шунчаки талабалар гуруҳи эмас. Бу — ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мактаби, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси, қонунбозлик одатлари ва меъёрларини сингдириш мактаби, фуқаролик етуклиги, жипслиги ва жамиятга хизмат қилиш истигининг рамзидир. Бу — лидерлик қobiliятлари ривожланадиган, жамоада ишлаш кўникмалари мустаҳкамланадиган, интизом, қонунга ҳурмат ва Ватанга муҳаббат тарбияланадиган май-

дон. Улар бошқа талабалардан фақат кийимда эмас — бу кийимни фахр билан кийиш орқали фарқланадилар.

Мамлакатимиздаги биринчи хорижий олий ўқув юрти саналган Г.В.Плекханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида “Қалқон” гуруҳи ўз фаолиятининг ilk кунларида-ноқ интизомли, масъулиятли ва ташаббускор тузилма сифатида ўзини намоён этди. Йигит-қизлар университет ва ундан ташқаридаги тартибни таъминлаш, тантанали тадбирларни ташкил этиш, маърифий ва ватанпарварлик лойиҳаларида фаол иштирок этмоқда. Улар жамиятга ҳақиқий хизмат намунасини кўрсатиб, ўз тенгдошларига ибрат бўлипти.

Раҳбар сифатида фахр билан таъкидлайман: “Қалқон” аъзолари — бу ёшларимизнинг энг илғор вакиллари, масъулиятли, билимдон, креатив ва Ватанга садоқатли йигит-қизлардир. Яқинда уларга хизмат гувоҳномаларини топширдик, ўйлайманки, бу тадбир улар онгида умрбод сақланиб қолади. Гуруҳ аъзоларини махсус хизмат либослари, рациялар ва бошқа техник воситалар, радио алоқалар билан таъминладик.

Ишончим комилки, мамлакатимиз олий ўқув юртларидаги “Қалқон” ҳаракати талабалар учун ҳаёт мактаби вазифасини ўтаб беради. Бу ҳаракат — кучли ва Янги Ўзбекистонни қуришга хизмат қиладиган келажақ етакчилари, химоячилари ва бунёдкорлари ўсиб чиқадиган мустаҳкам пойдеворга айланади.



Лочинбек ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва
маданият институти Нукус
филиали “Қалқон” гуруҳи
етакчиси:

— “Қалқон” гуруҳи институ-
тимизда таълим, тарбия ва хавф-
сизлик соҳаларида муҳим роль
ўйнаб келмоқда. Ушбу гуруҳнинг
асосий мақсади – талабалар
ўртасида ижтимоий масъулият,
интизом ва бирдамликни мус-
таҳкамлашдир. Улар институт
ҳудудида тартибни сақлаш,
тадбирлар вақтида кўмаклашиш
ва муаммоли ҳолатларда тезкор
ечим топишда фаол иштирок
этади.

Бундан ташқари, “Қалқон”
гуруҳи аъзолари ўз билим ва кў-
никмаларини бошқа талабалар
билан баҳам кўриб, институтда
соғлом муҳитни шакллантириш-
га хизмат қиляпти. Уларнинг
ташаббуси билан ўтказиладиган
ижтимоий-фойдали ишлар,
маданий-маърифий тадбирлар
ва тарғибот ишлари институт
нуфузини оширишда муҳим
омил бўлмоқда.

“Қалқон” гуруҳи нафақат
институт хавфсизлиги, балки
маънавий-ахлоқий муҳитни
яхшилашда ҳам катта ҳисса
қўшяпти. Уларнинг фидокорона
меҳнати институт ҳаётининг
ажралмас қисмига айланган.

• • • **ЎША КУН ҲАЁТГА ҚАРАШИМДА БУРИЛИШ ЯСАДИ,
ЙИҒИЛИШДАН СЎНГ, ЭСИМНИ ЙИҒИБ ОЛДИМ.**

Келинг, шу ўринда
бундай тузилмаларни
ташқил этиш тарихига
қисқача тўхталсам. Ҳарбий
хизматдан қайтиб, Мирзо
Улугбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университетида ўқишга
кирганман. Тўғриси айтсам,
“қулоқсиз” талаба эдим. Ёшмиз,
гайратимиз ичимизга сиғмайди.
Ўша пайтда устозимиз Қаҳрамон
Қуронбоев университетда ёшлар
сиёсати бўйича проректор
эдилар. Бир кун талабаларни
бир жойга йиғиб, жиддий суҳбат
ўтказдилар. Ўша кун ҳаётга
қарашимда бурилиш ясади,
йиғилишдан сўнг, деҳқонча
қилиб айтганда, эсимни йиғиб
олдим. Менинг ҳарбий хизматда
“Қалқон” номли бўлинмада
хизмат қилганимни эшитган
устоз: “Болалар билан уюшиб,
шундай гуруҳларни ташқил
қилсангиз бўлмайdimи?”,
деб ташаббус кўрсатди. Шу

тариқа 2009 йилда Талабалар
шаҳарчасида “Қалқон”
жамоатчилик гуруҳларининг
кичик намуна шакллари пайдо
бўлганди.

Бугунги кунда ушбу
лойиҳанинг ҳуқуқий асоси
шакллантирилиб, ҳудуд қамрови
кенгайди. Республика бўйлаб
олий ўқув юртларида ички
гуруҳлар тузилди.

2023 йил 28 августда
ҳамкор ташкилотлар — Олий
таълим, фан ва инновациялар
вазирлиги, Мудофаа вазирлиги,
Ички ишлар вазирлиги,
Миллий гвардия, Ёшлар
ишлари агентлиги ҳамда Спорт
вазирлиги томонидан қўшма
қарор имзоланиб, Республика
олий таълим муассасаларида
ташқил этилган “Қалқон”
жамоатчилик гуруҳларининг
бажарадиган ишлари келишиб
олинди.

Олий таълим муассасалари





“бешлиги”нинг ишчи гуруҳ таркиби — маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор, Ёшлар иттифоқи етакчиси, Ёшлар ишлари агентлигининг масъул ходими, ҳудуд профилактика инспектори ҳамда жамоатчилик гуруҳининг сардоридан иборат. Айтилган пайтда гуруҳ сардори таълим муассасасининг ректор маслаҳатчиси ҳамдир.

Бугунги кунга қадар Республикаимизнинг 190 га яқин олий таълим муассасасида “Қалқон” жамоатчилик гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, унда 3 315 нафар талаба-ёш кўнгилли равишда фаолият юритмоқда. Шулардан 2 601 нафари ўғил болалар бўлса, 786 нафари қизлардан иборат. Гуруҳ аъзолари

сони йилдан-йилга ошиб бораёттир. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Масалан, ўтган йиллардаги маълумотларнинг қиёсий таҳлили талабалар ўртасида жиноятчилик сезиларли даражада камайганини кўрсатапти.

Албатта, ҳар бир ишнинг ўзига яраша машаққати бўлади. Биринчи навбатда, ёшларни тушуниш керак. Бизни қувонтиргани, жамоатчилик назорати институти ёшлар ҳаётига кириб бораётгани ва бу ўзининг ижобий натижаларини кўрсатаётганидир. Энг асосийси, “Қалқон” гуруҳлари томонидан олиб борилаётган амалий ишлар ўғил-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик,



Алишер ЭШМАТОВ,
Тошкент давлат транспорт
университети “Қалқон” гуруҳи раҳбари:

— Тошкент давлат транспорт университетида ташкил этилган “Қалқон” гуруҳида ҳарбий хизматни ўтаган, юқори масъулиятли, илғор фикрли ва ташаббускор талабалар жамланган. Улар университет ҳудудида тинчлик ва ҳавфсизликни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Гуруҳимиз томонидан ўқув йили давомида бир қанча муҳим ташаббуслар амалга оширилди. Жумладан, талабалар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш мақсадида профилактик суҳбатлар, семинар-тренинглари ўтказилди. Кечки ва тунги вақтларда талабалар ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича рейдлар йўлга қўйилди. “Ҳуқуқбузарликка қарши биргаликда!” шиори остида ижтимоий лойиҳалар, флеш-моблар ва кўргазмалар тadbирлар ташкил қилинди. Спорт, маданият ва ватанпарварлик руҳидаги мусобақаларда иштирок этиб, ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказишга ҳисса қўшилди.

“Қалқон” гуруҳи фақат тартиб-интизомни таъминлаш билан чекланиб қолмай, университетда соғлом ижтимоий-психологик муҳитни шакллантиришда ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Ёшлар орасида ўзаро ҳурмат, бирдамлик, масъулият каби қадриятларни мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган ишларимиз, бу — келажакка қаратилган сармоядир. Келгусида гуруҳ фаолиятини янада такомиллаштириш, рақамли технологиялар ёрдамида жамоатчилик назоратини кучайтириш режамизда бор.



Севинчой СУЛТОНОВА,
Урганч давлат университети
"Қалқон" жамоатчилик гуруҳи аъзоси:
— Университетимизда 30 нафар (25 нафар ўғил, 5 нафар қиз) "Қалқон" жамоатчилик гуруҳи аъзолари муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фаол, фидойи талаба-ёшлар орасидан саралаб олинган.

Ҳозирги кунда профилактика инспектори билан келишган ҳолда, гуруҳ аъзолари патруллик ва рейд тадбирларини амалга ошириб келмоқда. Бундан ташқари, улар талабалар шаҳарчалари, университет ҳудудида жамоат тартиби, хавфсизлик, жамиятда юриш-туриш ва ахлоқ, одоб, санитария ва экология, ёнгин ва ҳаракат хавфсизлиги қондаларига риоя қилиниши устидан назорат олиб борапти.

Университет ҳудуди ва Талабалар шаҳарчаси атрофида соат 19:00 дан 23:00 оралигидаги вақтда навбатчилик ташкил қилинган. Ушбу жараёнлар давомида ҳозирги кунга қадар гуруҳ томонидан 23 та профилактик тадбирларга 800 нафардан ортиқ талаба жалб қилинган.

Бугунги кунда университет ҳаётида "Қалқон" жамоатчилик гуруҳининг ўрни катталиги ўтказилаётган барча маънавий-маърифий тадбирлар орқали намоён бўлмоқда. Ташаббусларимиз қўллаб-қувватланапти. Жумладан, вилоят ҳокими томонидан менинг бир йиллик шартнома пулим (7 400 000 сўм) тўлаб берилди, қолаверса, ноутбук совға қилинди.

● ● **АЪЗОЛАРГА ҲАР ОЙДА "БЕШЛИК" СТИПЕНДИЯ-НИНГ 50 ФОИЗИ МИҚДОРИДА ПУЛ БЕРИЛАДИ.**

майда безорилик, гиёҳвандлик каби иллатлар тарқалишининг олдини олишга, уларда ватанпарварлик туйғуларини уйғотишга, шу муқаддас заминга дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундаётганини таъкидлаб ўтишни истардим. Мухими, жамоатчилик гуруҳларининг фаолияти эртаминг эгалари бўлган ёш авлоднинг орзу-истаклари билан уйғундир. Дастуриримиздан ўрин олган бандлар ёшларнинг ҳаёт йўлларида имконият эшикларини очишига ишонаман.

Айтиш керакки,
"Қалқон" жамоатчилик

гуруҳига аъзо бўлганлар учун имтиёзлар мавжуд. Хусусан, аъзо бўлган йигит-қизларга ҳар ойда "бешлик" стипендиянинг 50 фоизига тенг миқдорда пул берилади. Қолаверса, талабалар ётоқхонасига жойлашишда устуңлик мавжуд. Ундан ташқари, жамоатчилик гуруҳлари низомида белгилаб қўйилганидек, талабаларни давлат мукофотлари ҳамда номдор стипендияларга тавсия этиш тизими йўлга қўйилган.

Ҳақли савол туғилади:
"Қалқон" тажрибасини мактабларга ҳам жорий қилиш вақти келмадими? Мактабларда ҳам маънавий-маърифий ишлар тизимли





**БУГУН ЗАМОН ТЕЗКОР, ТЕХНОЛОГИЯ АСРИДА
ЯШАЯПМИЗ, БОЛАЛАР БИЗ ЎЙЛАГАНДАН КЎРА
АҚЛЛИ, БАРВАҚТ УЛҒАЙМОҚДА.**



йўлга қўйилгани маълум. Лекин бу сайё-ҳаракатлар самараси қай даражада? Натижалар қоникарлими? Афсуски, сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда мактаб ўқувчилари иштирокида кўнгилни хира қиладиган манзараларга тез-тез кўзимиз тушяпти. Мактаб ўқувчиси деганда, кўз олдимизга сумка кўтарган ёш бола келади. Холбуки, бугун замон тезкор, технология асрида яшайпмиз, болалар биз ўйлагандан кўра ақлли, барвақт улғаймоқда. Уларни турли маънавий хатарлардан ўз вақтида ҳимоя қилмасак, эртага "тахир меваси"ни тоғишга мажбур бўламиз. Маданиятлар қоришуви тезлашган глобал дунёда таълим билан бирга тарбияни узлуксиз бериб боришимиз, асосий эътиборни миллий қадрият, миллий ўзликка қаратишимиз кечиктириб бўлмас вазифа

эканлиги ойдинлашди. Шу нуқтан назардан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида давра суҳбатлари, маърифий тарғибот тадбирлари, қолаверса, 10-11-синф ўқувчилари ўртасида спорт мусобақалари, турли танловлар ўтказиш кўзда тутилган.



МАЪЛУМОТ УЧУН:

"Қалқон" жамоатчилик гуруҳи аъзоларини танлаб олинган намуна асосида мавсумий махсус кийим ва аъзолик гувоҳномаси билан таъминлаш харажатлари олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Жамоатчилик гуруҳи учун жорий вазифалар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан Республика Ишчи гуруҳи билан келишилган ҳолда тўғридан-тўғри юборилади. Жамоатчилик гуруҳининг фаол аъзолари Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан захира кадрлар рўйхатида киритилади.

"Қалқон" гуруҳига ўзининг ҳаётий тажрибасига эга номзодлар орасидан ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар)дан 1 нафардан 4 нафаргача (олий таълим муассасаларидаги энг фаол сардорлар орасидан координаторлар тайинланади) "Жамоатчилик гуруҳи сардор"лари тайинланади. Жамоатчилик гуруҳи аъзолари сони таълим муассасасида 20 нафардан 40 нафаргача (таълим муассасасининг контингент сонидан келиб чиқиб гуруҳ аъзолари сони оширилиши мумкин) бўлиши мумкин.